

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД- 5220100- 3.15
2018 йил "18" 08



ИХТИСОСЛАШГАН ЖУРНАЛИСТИКА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.

Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот;

Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Қосимова Н.С. - ЎзДЖТУ, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Такризчилар:

Алимов Б. Журналистика ва оммавий коммуникация университети катта ўқитувчиси ф.ф.н. (*турдош ОТМ*);

Бобожонова Г.Н. Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастурдаги ўрни

Ушбу фан ихтисослашув журналистикаси, хусусан экожурналистика, фуқаролик жамияти асосларини ОАВда ёритилиши ва парламент журналистикасидан ташкил топиб, учта модулдан иборат. Хусусан экология тушунчаси, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, унинг йўналишлари ва вазифалари, барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларни ёритиш йўллари қамраб олса, иккинчи модуль фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти, ННТ фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ННТ фаолиятини ёритишда жаҳон ОАВининг тажрибаси, журналист этикаси, назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олади. Учинчи модуль –парламент журналистика талабаларни парламент фаолияти, Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши, Парламент журналистикасининг пайдо бўлиши омиллари ва конституциявий асослари каби мавзулардан иборат. Мазкур фан талабани ихтисослашган журналистиканинг ўзига хослиги, ҳар бир модуль бўйича йўналишлар моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

“Ихтисослашган журналистика” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 3, 4-курсларнинг 5,6,7,8 семестрларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Ихтисослашган журналистика” фани мутахассислик фанлар туркумига киради ва журналистика бакалавриат таълим йўналишларида ўқитилади.

“Ихтисослашган журналистикаси” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга ихтисослашган журналистика тизимининг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ривожланаётганлиги тўғрисида билим беришдир.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга ихтисослашган журналистика соҳанинг ажралмас бўлагига айланиши; ихтисослашган журналистиканинг имкониятлари, устунликлари ва уларнинг анъанавий журналистика хусусиятлари билан солиштирилиш; жамиятнинг соҳалари, бугунги кунда фуқаролик жамиятини қуришда ихтисослик журналистиканинг ўрни ва аҳамиятини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- ихтисослашган журналистикага кирган тор йўналишдаги ихтисоликларни билиши ва уларни ёритишда олган назарий билимларидан фойдалана олиши;

– ихтисослашган журналистиканинг шаклланиши ва унинг миллий журналистиканинг ажралмас бўлагига айланиши;

- ихтисослик журналистиканинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари;
- ихтисослик журналистикасининг ўзига хослиги;
- ихтисослашган журналистиканинг анъанавий ОАВга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши керак**;
- ихтисослашган журналистика тушунчаси ва унинг ривожланиш тарихини;
- ихтисослашган журналистика таркибига кирадиган фанларни;
- ихтисослашган журналистика таркибидаги фанларнинг ўзига хос хусусиятларини;
 - ихтисослашган журналистиканинг шаклланиши ва унинг миллий журналистиканинг ажралмас бўлагига айланиши;
 - ихтисослик журналистиканинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
 - ҳар хил тиллардаги маълумотларни виртуал тизимдан хоҳлаган маълумотни топа олиши;
 - ихтисослашган журналистика йўналишларида журналистик материаллар тайёрлаш;
 - ахборот манбалари билан ишлай олиш;
 - ихтисослашган журналистика доирасидаги технологияларини амалда қўллай олиш;
 - Ўзбекистонда миллий журналистикасининг ривожлантириш бўйича ўз фикрига эга бўлиш;
 - мамлакатимизнинг манфаатларини ихтисослашган анъанавий ва онлайн ОАВ орқали ҳимоя ва ташвиқот қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-МОДУЛЬ. ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШИ

1-мавзу. Глобал экологик муаммолар ва журналистика

Глобал экологик муаммолар ва уларнинг вужудга келиш сабаблари. Рим клуби. Рейчл Карсон “Тилсиз баҳор”. Экологик инқироз. Атмосферанинг ифлосланиши - иссиқхона эффекти, озон қатламининг емирилиши. Глобал иқлим ўзгариши. Дунё океанининг ифлосланиши. Тупроқ унумдор қатламининг йўқолиб кетиши. Тропик ўрмонларнинг кесилиши. Чўлланиш. Чучук сув манбаларининг камайиши. Чиқиндиларнинг кўпайиши, демографик вазият. Экожурналистика тушунчаси ва унинг вужудга келиши. Тараққиёт босқичлари

2-мавзу. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика

ОАВда экологик мавзунини ёритиш муаммоси. Инсоннинг ҳаёт хавфсизлиги ва масс-медиа вазифалари. Глобал иқлим муаммоларини ёритишга журналистик ёндашув. Сув ва сувдан фойдаланиш муаммоларини ёритиш

тамойиллари. Чикинди утилизацияси ва ташишни ёритишда қўлланиладиган усуллар. Экологик, энергетика ва озик овқат хавфсизлигини ёритиш масалалари.

3-мавзу. Сув ва сувдан фойдаланиш муаммоларининг ОАВда ёритилиш масалалари

Сув масаласининг Марказий Осиё халқлари учун аҳамияти. Сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги халқаро ва миллий ҳужжатлар. Трансчегаравий дарёлар муаммоси. Сув муаммоларини ёритишда журналистик ёндашув. Сув борасидаги низоларни ёритишда журналист позицияси. Журналист медиатор сифатида. Сув масаласини ёритишда қўлланиладиган интернет ресурслари.

4-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва унинг ОАВда ёритилиш муаммолари

Ўзбекистондаги мавжуд экологик муаммолар: глобал иқлим ўзгаришининг мамлакатимизга таъсири, Орол муаммоси, ичимлик ва суғориш сувларининг танқислиги, биохилма- хиллик йўқолиши, чўлланиш, дарахтларнинг кесилиши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ деградацияси, чикиндилар муаммоси, экологик маданиятнинг етарли эмаслиги. Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф муҳит муҳофазаси қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистоннинг қонунчилик асоси. Орол денгизи хавзасида барқарор ривожланиш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Нукус декларацияси. Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси. Ўзбекистоннинг экологик сиёсатига оид устувор йўналишлар, бу бўйича таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши. Ўзбекистонда атроф- муҳит муҳофазаси борасида қабул қилинган қонунлар, қонун ости ҳужжатлари ва уларнинг ОАВда ёритилиши. Ўзбекистонда экологик журналистсиканинг вужудга келиши. Республикада фаолият кўрсатаётган экологик ОАВ.

5-мавзу. ОАВ орқали барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш

Барқарор ривожланиш концепциясининг вужудга келиши ва шаклланиш асослари. Барқарор ривожланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши. “Бизнинг умумий келажагимиз” деб номланган маъруза . Атроф -муҳит муҳофазасига бағишланган БМТ конференцияси. “Барқарор ривожланиш” тушунчасининг пайдо бўлиши. “Рио+20” Барқарор ривожланиш бўйича БМТ конференцияси. Халқаро барқарор ривожланиш институти фаолияти. Экологик императив тамойиллар. Киото протоколи. Эгилувчанлик механизми. Глобал ташаббус ҳисоботи ишбилармонлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлари хусусида ҳисоботларини ёзиш бўйича қўлланмаси.

6-мавзу. Барқарор ривожланишнинг миллий ҳужжатларда акс этиши: ҳуқуқий асос

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати. 1992 йили Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги

қонуни. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистоннинг қонунчилик асоси. Ўзбекистон Республикасининг шунингдек “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлари. Орол денгизи ҳавзасида барқарор ривожланиш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган Нукус декларацияси. Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони. Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияси фаолияти.

7- мавзу. Барқарор ривожланишнинг мақсадлари ва уларга эришиш йўллари

Барқарор ривожланиш мақсадлари. Давос шаҳридаги Бутунжаҳон иқтисодиёт форуми. Барқарор ривожланиш мақсадларига (ЮНЕСКО)қўшилишнинг аҳамияти. Ҳамма жойда камбағалликнинг барча шакллариغا барҳам бериш. Очарчиликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланишни яхшилаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмак бериш. Барча учун ҳар қандай ёшда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фаровонликка кўмаклашиш. Барчани қамраб олган ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барча учун бутун умр давомида таълим олиш имкониятини қўллаб-қувватлаш. Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг бўлишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш. Барча учун қиммат бўлмаган, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.

8-мавзу. Барқарор ривожланиш мақсадларини ёритиш тамойиллари

Сўзсиз, барчани қамраб олувчи ва барқарор иқтисодий ўсишга, барча учун тўлиқ ва самарали бандлик ва муносиб иш таъминотига кўмаклашиш. Мустаҳкам инфратузилмани яратиш, барчани қамраб олувчи ва барқарор саноатлаштиришга ва инновацияларни жорий этишга кўмаклашиш. Мамлакатлар ичида ва улар ўртасида тенгсизлик даражасини камайтириш. Барқарор ривожланиш мақсадларида тинчликсевар ва очиқ жамиятларни куришга кўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланишни таъминлаш, самарали, ҳисобдор ва барча даражадаги муассасаларнинг кенг иштирокига асосланган тизимни яратиш. Барқарор ривожланишга эришиш воситаларини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорлик механизмлари ишини фаоллаштириш. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида барқарор ривожланиш мақсадларини экологик мавзу мисолида ёритиш. Барқарор ривожланиш мақсадларини ёритиш тамойиллари.

9-мавзу. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва илғор хорижий, миллий тажрибани ёритиш масалалари

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг вужудга келиш тарихи ва аҳамияти. Атроф- муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва шакллари. Барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги ўрни. Экологик императивнинг халқаро тамойиллари. Экология соҳасида фаолият юритадиган халқаро ташкилотлар фаолиятининг ёритилиши. ОАВ кўзгусида экологик назорат. Экологик журналистикада стереотиплар. Уларни қай тарзда бартараф этиш мумкин?

10-мавзу. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда таълимнинг роли

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида таълим. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП) Барқарор манфаатлари йўлидаги таълимнинг стратегик мақсадлари. Тўртинчи мақсад вазифалари. ЮНЕСКО мамлакатларга барқарор ривожланиш учун таълим (БРМТ) соҳасидаги салоҳиятни оширишга кўмак бериши. Инчхон декларацияси . Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим концепцияси. Ўзбекистон Республикаси миллий таълим тизимида Барқарор ривожланиш концепциясини киритиш бўйича ҳаракат дастури. Экологик таълим тушунчаси. Экологик масъулият. Таълим тизимини экологиялаштириш масалалари. Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим мазмуни. Экологик таълим бўйича давлат стандарти. Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича БМТ декадалари.

11-мавзу. Экологик назорат оммавий ахборот воситалари кўзгусида “Экологик назорат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни . Атроф-муҳит муҳофазаси масаласида жамоат ва парламент назорати. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Дастури. Оммавий ахборот воситаларида экологик назорат мавзусининг акс этиши. ОАВда экология мавзусини ёритиш муаммолари. Ўзбекистонда экологик журналистика. Экожурналист фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари

12-мавзу. Экожурналистнинг ахборот манбалари билан ишлаш масалалари

Экожурналист узатаётган ахборотнинг ишончли бўлиши. Экожурналистнинг ахборот манбалари: оддий одамлар, экологик сайтлар орқали олинаётган маълумотлар, давлат бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар. Экологик онг. Экологик таълим. Ижтимоий реклама. Экологик мавзуда мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда журналистик материал тайёрлаш асослари. Экологик мавзунини ижтимоий тармоқлар орқали суриш.

13-мавзу. Экологик мавзуни ёритишда жанрлар интеграцияси

Барқарор ривожланиш масалалари бўйича таҳлилий жанрларда материаллар тайёрлаш. Ахборот жанрлари ва уларнинг экологик мавзуни ёритишдаги аҳамияти. Экологик мавзуда мақоланинг муаммони очишдаги роли. Интервьюнинг ўзига хос жиҳатлари. журналистик суриштирувни ўтказиш. Хавфли экологик ҳалокатларни ёритишда журналист фаолияти. Журналистикада визуаллаштириш. Статистик маълумотлар билан ишлаш.

14-мавзу. Барқарор ривожланиш масалалари юзасидан журналист суриштируви ўтказиш

Суриштирув мавзусини танлаш. Суриштирувнинг асосий босқичлари. Мавзунинг истиқболлилигини аниқлаш. Ахборот манбалари. Очиқ манбалардан ахборот излаш. Уларнинг таснифи, уларни олиш ва фойдаланиш услублари. Мавзунинг акс-садо беришини баҳолаш мезонлари. Мавзунинг жамоатчилик ўртасида акс садо уйғотиш даражаси. Журналист суриштируви ўтказишда ахборот излашнинг махсус услубларидан фойдаланиш. Журналист суриштируви қуйидагилардан таркиби. Суриштирув материаллари асосида чоп этиш учун материаллар тайёрлаш. Ҳуқуқий экспертиза.

15 –мавзу. Экожурналистикадаги стереотиплар

Стереотиплар тушунчаси. “Ижтимоий стереотип” атамаси. Экожурналистикадаги стереотиплар. Экологияда энг кўп тарқалган стереотиплардан бири – “Сув – умумий бойлик”дир. Стереотип “бунинг менга алоқаси йўқ” ва “Менга ҳеч нарса боғлиқ эмас” деган қарашлар. ОАВдаги стереотипларни йўқотиш усуллари. Экологлар, турли соҳалар мутахассислари иштирокидаги материаллар, шу жумладан, интервьюлар ўқувчи, тингловчи, телетомошабин ва интернет фойдаланувчисига экологик муаммолар, улар хоҳ локал, хоҳ глобал миқёсда бўлсин, ҳар биримизнинг, фарзандларимизнинг, яқинларимиз ва қариндошларимизнинг манфаатларига, соғлиғига таъсир кўрсатишини англаб етишда ёрдам бериши.

16 –мавзу. Экологик муаммолар фотожурналист нигоҳида

Экологик журналистикасида ҳам фототасвир ўрнини бошқа ҳеч қандай восита боса олмаслиги. Экологик журналистикада фойдаланиладиган фотожанрлар. Экологик мавзудаги фоторепортаж. Фотожурналистиканинг жанрларини тушуниш учун визуал хилма-хиллик ҳақида тушунчага эга бўлиши. Фотопортрет. Муҳитдаги портрет. Сторителлинг. Wild art.

17–мавзу. Фавқулоддаги экологик вазиятларда журналист фаолияти

Фавқулодда вазиятлар журналистикаси тушунчаси. Экологик хавфли ва фавқулодда вазиятларда журналист фаолияти. Экстремал журналистика маркази. Экологик ҳалокат содир бўлган ҳудудларда ахборот олиш ва уни тарқатиш. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тайёрланган ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан чоп этилган қўлланма (2002 йил). экологик ва техноген ҳалокатлар содир бўлган ҳудудларда, уруш майдонларида, конфликтли, қуролли тўқнашувлар давом этаётган жойларда фаолият юритаётган журналистнинг касбий фаолияти ўзига хос талабларга риоя

этилишини тақозо қилиши. Роберт Карл Манноффнинг “Конфликтларнинг олдини олиш ва уларни камайтиришда ОАВнинг роли” китоби.

18–мавзу. Экологик мавзунини ёритишда журналист этикаси

Биоэтика ва унинг аҳамияти. Биоэтика йўналишлари. Биоэтика ва экология муаммоларининг уйғунлиги. Экология мавзусида фаолият олиб борадиган журналист экологик ҳодисаларнинг илмий ва амалий ўзига хосликларини тушуниши, экологик воқеа-ҳодисаларнинг тарихий илдизлари ҳақида билимларга эга бўлиши. Журналистикага оид биринчи касб кодекслари. Журналистик материалда бўлгани каби экологик ахборотни текшириб кўриш, фақат ишончли манбаларга таяниш, ахборот соҳасидаги амалдаги қонунчилик талабларига риоя этиш. 1983 йил Париж шаҳрида ЮНЕСКО шаъфелигида қабул қилинган журналист касб ахлоқининг халқаро кодексига акс этган 10 та принципга таяниш. Ўзбекистон журналисти учун экологик мавзунини ёритиш борасидаги тавсилар.

II -МОДУЛЬ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

1-мавзу. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти. ННТ фаолиятининг ҳуқуқий асослари. -“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2005 йил 23 июнь); Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори (2008 йил); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқа шакллари. ННТнинг мақсад ва вазифалари.

2-мавзу. ННТ фаолиятини халқаро ва миллий ОАВда ёритиш масалалари “Ассоциациялар инқилоби”. Халқаро ННТнинг фаолияти интернет сайтлари орқали ёритилиши. “Чегара билмас шифокорлар”, Гринпис, “Чегара билмас репортёрлар”, Халқаро Қизил Хоч кўмитаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги. Ахборот-маърифий фаолият, илмий-ноширлик ишлари инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлиги. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида акс этиши. Журналистларда ННТ фаолияти йўналишлари хусусидаги билимлар етарли эмаслиги. ННТнинг ўзлари ўз фаолиятларининг етарли даражада ёритилиши учун ҳаракат этмасликлари. ННТ ва журналистлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари етарлича ўрнатилмаганлиги. ННТ аҳолига ўз фаолиятлари хусусида етарли даражада хабар беришни истасалар ОАВда ойига 5 тадан кам бўлмаган чиқиш қилишлари зарурлиги. Аҳоли соғлиғини сақлашга

йўналтирилган ННТ фаолиятини ОАВда ёритилиши масалалари. Сил муаммоси ва уни ОАВда ёритилиши. Сил муаммосини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар. ОИТС билан касалланганларни ёритиш масалалари. Аҳоли соғлиғи мкаммолари билан шуғулланидан ННТ фаолияти ва журналист этикаси.

3- мавзу. ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос қонун-қоидалари, талаблари. ННТ фаолиятини ўзида акс эттирган журналистик материалнинг композицион тузилиши аниқлик ва оддийликка асосланиши. Мазкур соҳадаги ҳар қандай журналистик материалнинг асосий объектини муайян воқелик, яъни бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса, вазият, жараёнлар ташкил этиши. ННТ ҳақида тайёрланган ҳар қандай материалга журналистик асар сифатида ёндашиши. Журналистиканинг олтин қоидаси – нима, қачон, қаерда, деган саволларга жавоб бериши. Журналистнинг фуқаролик жамияти институтини ёритишда амал қиладиган тамойиллар. Журналистнинг олтин 10 қоидаси.

4- мавзу. Оммавий ахборот воситаларида ННТ фаолиятини ёритиш амалиёти

ННТ ва ОАВ ҳамкорлигидаги мавжуд муаммолар. Оммавий ахборот воситалари томонидан ННТ фаолиятини ёритиш орқали шакллантирган стереотиплар. Стереотип шаклланишининг уч босқичи. ННТ худудий, ўша ернинг аҳолиси учун долзарб муаммоларни маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда ҳал қилиши натижасида юзага келган стереотип. Нодавлат ноижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг ноижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалари. ННТнинг ахборотни тақдим этиш бўйича давлат органлари ва журналистлар билан ўзаро муносабатлари модели. ННТнинг ахборотни тақдим этиши бўйича сўровлар. ННТнинг ахборотни тақдим этиши бўйича сўровлар. ОАВ ва журналистлар ННТнинг ҳамкори сифатида. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар. Ижтимоий тармоқларда журналист томонидан ННТ ҳақида хабар беришнинг 5 та усули. Ижтимоий тармоқлар, блоглар ёки сайтга видео жойлаштириш шартлари

5- мавзу. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар

Хабар ва янгилик. Халқаро амалиётда янгилик ва хабарнинг қуйидаги хусусиятлари. Репортаж — журналистиканинг муҳим жанрларидан бири эканлиги. Интервью ННТ раҳбари ёки вакили билан шахсан мулоқотга киришиш усули. Яхши интервьюни уюштира билиш санъати. Интервьюга қўйиладиган талаблар. Корреспонденция хабарнинг кенгайтирилган шакли. Мақола ва унинг аҳамияти. Мақолага қўйиладиган талаблар. Мақоланинг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритишдаги аҳамияти.

6-мавзу. Фуқаролик жамияти институтларини интернетда ёритиш

“Учинчи сектор” имижини шакллантиришда ОАВ нинг роли
Фуқаролик жамияти институтларининг веб-сайти муаммолари. Ўзбекистондаги машҳур ижтимоий тармоқлар. ННТ фаолиятини ижтимоий тармоқларда

ёритилиш масалалари. Ижтимоий тармоқларда ННТ фаолиятини илгари суриш. SEO ва SMO. ННТ блогини ташкил этиш афзалликлари. Блог юритишнинг ахлоқий меъёрлари

7- мавзу. Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи

Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи. Инвалид тушунчасининг шаклланиши. Россиядаги илк ногиронлар уйига Екатерина II ҳукмронлиги даврида – Каменноостровскийда асос солинган. Николай I даврида ногиронлар уйлари сони ортди ва улар ҳарбий ғарибхоналар деб атала бошланиши. Испанияда, кейинроқ эса Англия ва Голландияда яраланган ва жароҳат олган ҳарбий ногиронларга пенсия ва бир марталик моддий ёрдам тўланиши тизими. XIX аср охирларида АҚШда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан ишлашнинг янги йўналиши.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти 1925 йилда ташкил этилган ва минтақамиздаги энг ёши улуғ инсонпарварлик ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши. Халқаро ва ҳуқуқий асослар. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция матни ва Факультатив протокол. Ногирон болалар ҳуқуқлари. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқадиган вазифалар. Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича Йўриқнома

8-мавзу. Оммавий ахборот воситаларида ногиронлар тимсоли

ОАВда ногиронлар тимсоли. Журналистлар тайёрлаган материалларнинг аксарияти ахборот характериға эга эканлиги. Битта воқеа-ҳодиса ҳақида турлича ҳикоя қилиш ва ҳар хил тасаввур уйғотиш мумкинлиги. Республика оммавий ахборот воситаларининг мониторинги натижалари. Россия Федерациясининг «Перспектива» номли ногиронлар ҳудудий жамоат ташкилоти ОАВда ногиронлиги бор инсонлар мавзусини ёритиш концепцияси. Инсоннинг меҳнатга лаёқатсизлиги, ёки бир шаклда бошқа инсонлардан фарқ қилиши унинг атрофдагилар билан муносабатига, ҳаётининг турли вазиятларига албатта таъсир кўрсатиб, кишиларға «норасо», «ноқис» каби тамғалар ёпиштирилиши. Стигматизацияға учраган кишилар ҳолати. Стигматизация индивидларни ажратиб қўйиш, ёки уларға «тамға босиш», ташқи белгиларига қараб «тузалмас», «ноқис» каби ижтимоий тамғаларни ёпиштириш эканлиги. Стигматизация тушунчасини фанга И. Гофман киритганлиги. Стигматизация муаммоси бағрикенглик муаммолари билан узвий боғлиқлиги. Сил ва ОИТС билан касалланганларға тамға босишни олдини олиш масалалари.

9-мавзу. Оммавий ахборот воситалари, кино ва адабиёт орқали ногиронларнинг ижобий тимсолини илгари суриш

Ногиронлик – эътибор қаратилиши ва ёритилиши керак бўлган муҳим мавзулар сирасига кириши. XX асрда имконияти чекланган кишилар ҳақида яратилган кўплаб китоблар ва фильмлар. Австралиялик насроний дини

тарғиботчиси ва нотиғи Ник Вуйчич ҳаёти. Босма ОАВда ҳам ахборот жанри устуворлик қилаиши. Фуқаролик жамиятида ОАВ ижтимоий тузилманинг муҳим элементларидан бири ҳисобланиши. Ижтимоий фаолият соҳаси сифатида журналистика маданий жамият асосларини шакллантириши. Ижтимоий муаммолар ечимига кўмаклашиши. Жамоатчилик фикрини шакллантириши. Журналистлар ногиронларда биринчи галда инсонни, ундан кейин эса бемор ва эҳтиёжманд кишини кўришлари кераклиги. Ногиронлик мавзусида қалам тебратадиган журналистлар мавзунини очиқ беришда маҳоратлари ошишига ёрдам берадиган бир қатор қоидалар. Ногиронлиги бор кишилардан интервью олиш қоидалари. Суҳбатлар жараёнида журналистларда ўзини ноқулай ҳис қилиш, керагидан ортиқча ҳиссиётга берилиш. Ногиронларнинг жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари фаол ҳамда нуфузга эга бўлган давлатларда улар ўзларига нисбатан ачиниш ва бошқа салбий фикрларни шакллантирмайдиган таъриф ва тушунчаларни илгари суриш. Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар.

10-мавзу. Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари

Бола ҳуқуқлари таъминоти ва ҳимояси замонамизнинг глобал муаммолари сирасига кириб, уларнинг ҳал этилиши бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига мос келиши. Ўзбекистон 1992 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциясига қўшилганлиги. Мамлакатимизда бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар. Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизими. Журналистлар олдида ногиронлиги бор болалар масалаларини эҳтиёткорлик билан, тўғри ёритиш вазифаси. Ногирон болалардан интервью олишда ва улар ҳақида репортаж тайёрлаш принциплари.

11-мавзу. Ўзбекистонда фондлар, кўмиталар, ассоциациялар фаолиятини ёритиш масалалари ва журналист этикаси

Ўзбекистонда фаолият юритаётган фонлар ва кўмиталар, ассоциациялар фаолиятини ёритиш масалалари. Ўзбекистон ОАВ ва ахборот агентликларини ривожлантириш фонди. НАЭСМИ ва унинг фаолияти. Хотин-қизлар кўмитаси фаолияти ва уни ёритишдаги масалалар. Журналистга мазкур йўналишларни ёритишга қўйиладиган талаблар.

Журналистикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган қисқалик ва лўндалик. Конвергенция жараёни фуқаролик жамияти институти ҳақидаги материалнинг янада ўқишли, ахборотнинг эса кенг кўламли бўлишини таъминлаши. Тил функциялари. Тил воситаларидан нутқ фаолиятида фойдаланишдаги меъёрлар. Интернет материалларида учрайдиган грамматик хатолар. Сўзларни ўрнида ишлатмаслик оқибатида юзага келадиган мантикий хатолар. Интернетда адабий тил меъёрининг бузилиши. Интернетда адабий тил меъёрининг бузилиши. Сўзнинг ноўрин ва нотўғри танлаши. Журналист ижодида ифодалилик. Халқаро ва миллий журналистикада ННТ фаолиятини ёритишда ахлоқ кодексларига амал қилиш. Журналистлар ногиронлиги бор киши билан мулоқотга кириш борасидаги тавсиялар. Республика ва ҳудудий ОАВда тасвирланаётган ногиронлиги бор киши тимсоли. Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари.

Ш-МОДУЛЬ. ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАР

1-мавзу. Парламент ва парламентаризм: мозийга назар

Парламент ва парламентаризмнинг вужудга келиши ва тараққиёт тенденциялари. “Соф демократия”, “амтман”, “Плебисцитар” тушунчалари. Юнонистон шаҳарлари ва Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда — йиғинлар, қадимий Новгородда — вечелар. XII-XIII асрлардаги Англия Парламенти фаолияти. Парламентаризм ғоялари Ж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Вольтер асарларида акс этиши. Парламентларнинг давлатлар механизми ва функцияларида тутган ўрни. Парламент ваколатлари. “Парламентаризм” атамаси. Парламентаризм босқичлари.

2-мавзу. Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши масалалари

Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар. Иккинчи давр: 1995-2004 йиллар. Икки палатали қонун чиқарувчи Парламент вазифалари. Парламент фаолиятида фракцияларнинг ўрни.

3-мавзу. Парламент журналистикасининг пайдо бўлиши омиллари ва конституциявий асослари

Парламент журналистикасининг пайдо бўлиши омиллари ва конституциявий асослари. Парламент палаталарининг тенглик принципи. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонун (2002 йил 26 декабрь), “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун (2003 йил 24 апрель). Ўзбекистонда парламент журналистикаси: ютуқ ва камчиликлар. 2017 йил 12 июль куни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. Парламент журналистикаси ривожини йўлидаги камчиликлар.

4-мавзу. Парламент фаолиятини ёритишда журналист маҳорати

“Ахборот” тушунчаси ва тавсифи. Мавзу топиш маҳорати ва парламент журналистининг ахборот манбалари. Ахборотни текшириш усуллари. Фактчекинг. Фейк хабарлар. Журналист материални шакллантириш манбалари. Ишончли бўлмаган манбалар. Депутатлар фаолияти ҳақидаги материалларда стереотиплар. Парламент журналистининг касбий мажбуриятлари ва ахлоқий тамойиллари.

5-мавзу. Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси

Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси. Парламенти фаолиятини ёритаётган журналистлар учун ана шу қоидалар. Таҳлилий материалларнинг ўзига хосликлари. Мунозарали мақола. Таҳлилий мақола. Депутат фаолиятини ёритишда қуйидагилардан қочиш лозим бўлган жиҳатлар. Парламент фаолиятини ёритишда журналист холислик, ишонччилик ва тезкорлик тамойиллари. Парламент фаолиятини ёритишда мультимедиавий воситалардан фойдаланиш. Мультимедиавий лонгрид. Мультимедиавий сторителлинг. Парламент журналистикасида қўлланиладиган тушунча ва атамалар. Сиёсий мулоқот қоидалари. Парламент фаолияти ҳақидаги материалларда сарлавҳа ва тагсарлавҳа. Парламент фаолиятини ТВ ва радиода ёритишда журналистик материал тили. Тил меъёрларнинг бузилиши. Партия нашрлари тилидаги камчиликлар.

6- мавзу. Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари

Сайловлар жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли. Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари. Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги асосий фаолият йўналишлари. Мажбурий ахборот материаллари. вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом. Журналистларнинг сайлов жараёнида қатнашиши ва уни ёритишдаги ҳуқуқлари. Сайлов кампанияси вақтида журналистларнинг сўрови бўйича ахборот олишнинг умумий қоидалари. Сайлов жараёнида журналистлар аккредитацияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари. Сайловолди ташвиқоти тушунчаси. Сайловолди ташвиқотини ёритишда ОАВда амал қилиниши лозим бўлган қоидалар. Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқотида иштирок этиш учун барча рўйхатдан ўтган номзодлар учун тенг имкониятларни яратиш. ОАВда ижтимоий сўровларни эълон қилиш. Сайловни ёритаётган журналистнинг касб одоби тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ва унинг вазифалари. ОАВда ижтимоий сўровларни эълон қилиш. Сайловни ёритишда ОАВга қўйиладиган қонуний талаблар. Сайлов жараёни бўйича ахборотлар ҳақиқатга тўғри келиш зарурати; номзодлар, сиёсий партияларнинг қонуний манфаатлари бузилмаслиги; номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши кераклиги; ташвиқот материаллар тақдим этган номзод ёки сиёсий партия розилигисиз таҳрир қилинмаслиги; нашрлар у ёки бу сиёсий партияга даврийлик ёки тиражда устунлик бермаслиги. Журналист сайлов куни бажариши керак бўлган ва бўлмаган амаллар.

7-мавзу. Парламент ахборот хизматининг самарали фаолияти

Парламент имижини шакллантириш ва халқ билан мулоқотда транспарентликни таъминлашда ахборот хизмати фаолиятининг ўрни ва аҳамияти. Парламент имижини шакллантиришда фойдаланиладиган асосий воситалар. PR-кампания мақсадли, тизимли равишда ташкил этилган ва амалга

оширилган, ташкилотнинг аниқ муаммосини ҳал этишга йўналтирилган тадбирлар ва усуллар мажмуаси сифатида. Медиарежалаштириш асослари. Парламент имижига тараққиётида янги медиавоситалар. ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш. Парламент имижини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган ҳаммабоп ва самарали воситалар. Парламент ва депутатлар фаолиятини тақдим қилиш сирлари. Журналистларга интервью бериш. Ахборот узатишда ОАВ вакиллари билан мулоқотда юзага келадиган камчиликлар.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1-МОДУЛЬ. ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШИ (2 курс)

1. Глобал экологик муаммолар ва журналистика
2. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика
3. Иқлим ўзгариши борасидаги хавфларни камайитиришда ОАВнинг роли
4. Сув ва сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари
5. Сувдан фойдаланиш муаммоларининг ОАВда ёритилиш масалалари
6. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва унинг ОАВда ёритилиш муаммолари
7. ОАВ орқали барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш
8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва илғор хорижий, миллий тажрибани ёритиш масалалари
9. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда таълимнинг роли
10. Экологик мавзу топиш муаммоси
11. Экожурналистнинг ахборот манбалари билан ишлаш масалалари
12. Экологик мавзунинг ёритишда жанрларнинг интеграцияси
13. Экологик мавзунинг ёритишда таҳлилий жанрларнинг аҳамияти
14. Атроф муҳит муҳофазаси мавзусини ёритишда бадий публицистик жанрларнинг қўлланилиши
15. Барқарор тараққиёт мақсадларини ёритишда журналист суриштирувининг ўрни
16. Экожурналистикадаги стереотиплар
17. Экологик мавзунинг визуаллаштириш инструментлари [youtub.com](https://www.youtube.com) ва [canva.com](https://www.canva.com) имкониятлари
18. Экологик журналистикада инфографикадан фойдаланиш
19. Ижтимоий тармоқларда экологик мавзунинг ёритилиш ва фотожурналистика ўрни
20. Экологик мавзунинг ёритишда журналист этикаси

II -МОДУЛЬ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ (3 курс)

1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва ҳуқуқий асослари
2. ННТ фаолиятини халқаро ва миллий ОАВда ёритиш масалалари

3. ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар
4. ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар
5. Инсон ҳуқуқлари фаолияти йўналишида фаолият олиб бораётган ННТлар фаолиятини ОАВда ёритиш
6. Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи
7. Оммавий ахборот воситаларида ногиронлар тимсоли. Стигма ва стигматизация
8. Оммавий ахборот воситалари, кино ва адабиёт орқали ногиронларнинг ижобий тимсолини илгари суриш. Журналистнинг ногиронлик мавзусида ишлаш услублари
9. Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари
10. Ўзбекистонда фондлар, қўмиталар, ассоциацилар фаолиятини ёритиш масалалари
11. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритишда журналист ижодида тил ва услуб воситаларининг таъсирчанлиги ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритишда этика масалалари

Ш-МОДУЛЬ. ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАР (4 КУРС)

1. Парламент ва парламентаризм: мозийга назар
2. Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши масалалари
3. Парламент журналистикасининг пайдо бўлиши омиллари ва конституциявий асослари
4. Парламент фаолиятини ёритишда журналист маҳорати
5. Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси
6. Замонавий парламент журналистикасида мультимедиавий воситалар ва журналистик материаллар тилининг холислиги
7. Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари
8. Парламент журналистининг касбий ахлоқи.
9. Парламент ахборот хизматининг самарали фаолияти.

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1-МОДУЛЬ. ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИНГ ОАВДА ЁРИТИЛИШИ

Глобал экологик муаммолар ва журналистика

Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика

Сув ва сувдан фойдаланиш муаммоларининг ОАВда ёритилиш масалалари

Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва унинг ОАВда ёритилиш муаммолари

ОАВ орқали барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш

Барқарор ривожланишнинг миллий ҳужжатларда акс этиши: ҳуқуқий асос

Барқарор ривожланишнинг мақсадлари ва уларга эришиш йўллари

Барқарор ривожланиш мақсадларини ёритиш тамойиллари

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва илғор хорижий, миллий тажрибани ёритиш масалалари

Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда таълимнинг роли

Экологик назорат оммавий ахборот воситалари кўзгусида

Экожурналистнинг ахборот манбалари билан ишлаш масалалари

Экологик мавзунини ёритишда жанрлар интеграцияси

Экожурналистикадаги стереотиплар

Фавқулоддаги экологик вазиятларда журналист фаолияти

Экологик мавзунини ёритишда журналист этикаси

II -МОДУЛЬ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг бошқа шакллари

ННТ фаолиятини халқаро ва миллий ОАВда ёритиш масалалари

Аҳоли соғлиғини сақлашга йўналтирилган ННТ фаолиятини ОАВда ёритилиши

ННТ фаолиятини ёритишда журналистга қўйиладиган талаблар

Оммавий ахборот воситаларида ННТ фаолиятини ёритиш амалиёти

Ахборот манбалари билан ишлаш тамойиллари

ННТ фаолиятини ёритишда қўл келадиган жанрлар

Фуқаролик жамияти институтларини интернетда ёритиш

Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи

Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Оммавий ахборот воситаларида ногиронлар тимсоли

Стигма ва стигматизация

Оммавий ахборот воситалари, кино ва адабиёт орқали ногиронларнинг ижобий тимсолини илгари суриш

Журналистнинг ногиронлик мавзусида ишлаш услублари

Ногиронлиги бор инсонларни ёритишда интервью жанридан фойдаланиш

Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари

Ўзбекистонда фондлар, қўмиталар, ассоциацилар фаолиятини ёритиш масалалари

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритишда журналист ижодида тил ва услуб воситаларининг таъсирчанлиги

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритишда этика масалалари

III-МОДУЛЬ. ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА УСУЛЛАР

Парламент ва парламентаризм: мозийга назар

Ўзбекистонда олий давлат вакиллик органи – қонун чиқарувчи органнинг шаклланиши масалалари

Парламент журналистикасининг пайдо бўлиши омиллари ва конституциявий асослари

Парламент фаолиятини ёритишда журналист маҳорати

Депутатлар фаолияти ҳақида материаллар тайёрлаш технологияси

Замонавий парламент журналистикасида мультимедиавий воситалар ва журналистик материаллар тилининг холислиги

Замонавий парламент журналистикаси тилининг холислиги

Оммавий ахборот воситаларида сайлов кампаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари

Журналистларнинг сайлов жараёнида қатнашиши ва уни ёритишдаги ҳуқуқлари ОАВ орқали олиб бориладиган сайловолди ташвиқоти ва унинг ўзига хосликлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ва унинг вазифалари

Парламент журналистининг касбий ахлоқи.

Парламент ахборот хизматининг самарали фаолияти

ОАВ ва жамоатчилик учун тадбирлар ташкил этиш

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан тақдимотлар, докладлар, рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Қосимова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида. Ўқув қўлланма.–Т., ЮНЕСКО. 2018.
2. Сулайманова С., Маматова Я. Экологическая журналистика Узбекистана в контексте Устойчивого Развития. Учебное пособие. - Т.: Extremum-press, 2016.
3. Қосимова Н. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ роли. – Т., “Турон иқбол”, 2015.
4. Қосимова Н. Интернет нодавлат нотижорат фаолиятида. Т., 2015
5. Қосимова Н.Исаков О. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ногиронлик мавзусининг ёритилиши. Ўқув-амалий қўлланма. –Т., ЮНЕСКО. 2017
6. Қосимова Н. Парламент журналистикаси: замонавий ёндашув ва усуллар. Ўқув-амалий қўлланма. Т., ЕХХТ. 2018.

Қўшимча адабиётлар

1. Қосимова Н. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. Ўқув-амалий қўлланма. –Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2016.

2. Қосимова Н., Раҳимова Ф. Нодавлат нотижорат ташкилотлар имижини шакллантириш: назария ва амалиёт. Ўқув-амалий қўлланма. –Т., Журналистларни қайта тайёрлаш маркази. 2015
3. Кузнецова Ю. А. Этапы формирования и развития концепции устойчивого развития // Молодой ученый. — 2013. — №5.
4. Агапова Е.В., Липина С.А., Липина А.В. Шевчук А.В., Анализ международных документов по вопросам развития «зеленой» экономики и «зеленого» роста. <ftp://ftp.repec.org/opt/ReDIF/RePEc/rnp/wpaper/1858.pdf>.
5. Доклад по целям развития тысячелетия Узбекистан 2015/под общ. ред. Г. Саидовой. - Ташкент: Центр экономических исследований, 2015.
6. Липпман Уолтер. “Общественное мнение”. М.: 1922 г.
7. Игнатъев Д., Бекетов А. Настольная энциклопедия Public Relations. – М.: “Альпина Паблишер”, 2004 г.
8. Кримски Ж.А. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. Т.: 2003 й.
9. Қурбонов О. “Миллий иқтисодиётда учинчи секторнинг шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари” мавзусидаги битирув малакавий иши. Гулистон. 2011.
10. Федеративная Республика Германии: Конституция и законодательные акты. – М., 1992.
11. Қосимова Н.ва бошқалар. Ахборот хизмати: жамоатчилик билан самарали мулоқот. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД), Т., 2012 й.
12. Шишкин Д.П., Гавра Д.П., Бровко С.Л. PR-кампании: методология и технология: Учебное пособие. – СПб.: Роза мира, 2004.
- Щербин А. Зарождение и развитие Парламентаризма. https://duma.tomsk.ru/content/1_zarozhdenie_i_razvitie_parlamentarizma
13. Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. -М., ИЛ, 1950.
14. Ўсаров О. Давлат ҳокимияти органларида журналистларни аккредитация қилиш мажбуриятми ёки зарурат. -Т.: 2014.
15. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи оилй органи: сохта вакилликдан ҳақиқий Парламентаризмга қадар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

Интернет сайтлари

1. parliament.gov.uz
2. lex.uz.
3. Data.gov.uz
4. ombudsman.uz
5. norma.uz
6. nanouz.uz
7. ekolog.uz
8. uzjournal.uz
9. nargis.uz

